

Мунис Хоразмий (тахаллуси; асл исм-шарифи Шермухаммад Амир Авазбий ўгли) (1778—Хива яқинидаги Киёт кишлоги — 1829) — шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар. Дастлабки маълумотни тугилган кишлогига олган, кейинчалик Хива мадрасаларида ўқиган. 1800 йилда отаси вафот этгач, Аваз Мухаммад Инок Мунисни саройнинг фармоннавис котиби қилиб тайинлаган.

Мунис замонасининг машхур олим, шоир ва санъаткорлари билан яқин алоқада бўлиб, билими, салохияти ва куч-қувватини шеърятга, илм-фан ва маърифатга бағишлаган. Мунис 1804 йилда биринчи шеърлар девони — «Девони Мунис»ни яратган. 1806 йилда Элтузархон Мунисга Хива хонлиги хақида китоб ёзишни топширган. Мунис ўз асарини Шергозихон давригача ёзиб етказганда, Элтузархон фожиали халок бўлади. Мунис китобини давом эттиради ва 1819 йилда Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боғи») тарихий асарини туркий тилга таржима қилишни бошлайди. Мунис бу асарнинг 1-жилдини таржима қилишга улгуради. У бу икки асарни ҳам тугата олмай вафот этади. Унинг «Фирдавс ул-икбол» («Бахтлар боғи») асарини ва «Равзат ус-сафо» таржимасини шогирди Огахий ниҳоясига етказади. Муниснинг «Фирдавс ул-икбол» асари узок даврни камраб олган бўлиб, Марказий Осиё, айниқса, Хива хонлиги тарихини ўрганишда қимматли манбадир. Асарда Хоразмнинг қадимий даври билан бир қаторда, Хива хонлигининг 1825 йилгача бўлган сиёсий тарихи баён этилган, тож-тахт, бойлик учун олиб борилган курашлар ва, шунингдек, Хива хонларининг кўшни туркман ва қорақалпоқ халқлари билан бўлган муносабатлари хақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган.

Асар муқаддима, 5 боб ва хотимадан иборат. 1-бобда Одам Атодан то Нух пайгамбар авлодигача бўлган қодисалар ёритилган. 2-бобда Ёфасдан Кўнгирот шўбасигача бўлган мўгул ҳукмдорлари даври хусусида фикр юритилган. 3-бобда Курлос авлодига мансуб подшоҳлар даврида содир бўлган воқеалар тўғрисида ёзилган. 4-бобда Элтузархоннинг ота-боболари ҳаёти тасвирланган. 5-бобда Элтузархоннинг тугилишидан бу асарнинг ёзилиб тамом бўлишига қадар бўлган воқеалар хусусида қалам тебратилган. Хотима эса олимлар, авлиё, амир, бек, шоир, хунармандлар хақида маълумотларни ўз ичига олади.

Мунис ўз давридаги сугориш иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир «Арналар» (арна-анҳор, канал) номли рисола ҳам ёзган. Бу рисола 18-аср охири ва 19-аср бошларидаги дехқончилик билан боғлиқ, ижтимоий муносабатларни ўрганишда аҳамиятли. Муниснинг асосий адабий мероси — 1815—20 йилларда тузилган «Мунис ул-ушшок» («Ошиқлар дўсти») девони газал, мухаммас, қасида, рубоий, китъа ва бошқа жанрлардан иборат бўлиб, 20000 дан зиёд мисрани ўз ичига олган. У хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, 1880 йилда Хива тошбосмасида нашр этилган. Мунис Навоийнинг «Мезон ул-авзон», «Холоти Саййид Хасан Ардашер» асарларини китобат қилган (1794, 1797). Айниқса, «Мезон ул-авзон»ни олдинги айрим хаттотлар йўл қўйган хатоларни тuzатиб, саводли кўчирган. Бу унинг аруз илмининг хос билимдони эканлигидан ҳам далолат беради.

Муниснинг савод чиқаришни енгиллатиш ва хуснихат санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган «Саводи таълим» (1804) шеърый рисоласи ҳам бор. Девонларининг бир неча қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзма асарлари фондида сақланади.

Нусратулло Жумаев

КИЛМАНГИЗ

Дўстлар, менсиз даме оханги ишрат килмангиз,
Сиз ичиб сахбо, мени хунхори хасрат килмангиз.

Гар муяссар бўлса бир махбуб ила базми нишот,
Менсизиз сухбат тузарга майлу рағбат килмангиз.

Топсангиз базми висоле, анда ёд этмай мени,
Зор кўнглумни асири доғи фуркат килмангиз.

Мен киби йўқдур арода, манкубу махмури айш,
Кимсага мендин зиёда бода шафка килмангиз.

Ахли дониш бирла хар дам айлангиз базми китоб,
ЖамъИ нодонлар била изхори улфат килмангиз.

Дўст улдурким, ёмон кун юз эвурмас дўстидин,
Мунис ахволин кўруб тарки мухаббат килмангиз.

ОШНО

Давлатинг борида бордур ахли олам ошно,
Кайтгач давлат, жахонда топилур кам ошно.

Уйла бекаслик мени махзунга топмиш дастким,
Бир киши йўқдур манго жуз кулфату гам ошно.

Баски, даврон хохиши бегоналик солмоқдурур,
Бир-бирига бўла олмас икки хамдам ошно.

Кимки бўлди ошно, бот айлади бегоналиг,
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно.

Гар вафо бўлса, парида бўлгай эрди, кўрмадим,
Бўлдилар хар нечаким авлоди одам ошно.

Хажр ранжидин ўларга етмишамким, кўрсалар,
Холима тутгай азо бегона, мотам ошно.

Ишк аро ул навъ эрур вахшат мен мажнунгаким,
Ўзгани демай, бўла олмас кўнгул хам ошно.

Дард чекмак, ашк тўкмак ишк элига хосдур,
Хар кўнгулга дард, хар кўзга эмас нам ошно.

Мунис, даврон гами бегона бўлса тонг эмас
Ким, сенга бўлмиш бийик донишвар Акрам ошно.

БАСЕ ГАМ БОРИДИН...

Басе гам боридин чекмиш огирни,
Ёғир бўлмиш хазин кўнглим ёғирни.

Фалак гам юкларин солгонда элга,
Ёғирнимга менинг кўймиш огирни.

Билурсан гам юкин кўп чекканимни
Ёғирним устида кўрсанг ёғирни.

Итинг кўрсам, манга унс айласун деб,
Берурман гах кўнгулн, гах богирни.

Ракиб оллингда бўлмоқдин хазинман,
Тиларман кўрмасам ул бўлмоғирни.

Замон ахлига бўлмиш шиква ойин,
Нетонг, севсам агар гунгу соғирни.

Нажоте истасанг Мунисга гамдин,
Аёкчи, тут анга хар дам чоғирни.

ХАНУЗ

Ваҳки, ул золим мени мазлумга котил хануз,
Яъни агёримга юз минг меҳр ила мойил хануз.

Ёшурун сирримни демай, халк англаб, войким,
Айтиб англатмок била холимни ул гофил хануз.

Вах, нечук бахр эрди хижронким, миниб гам завракин,
Хар неча катъ айларам, мавжуд эмас сохил хануз.

Кўзу кўнглумдин балога колдим, оре, кимсага
Суд еткурган эмас ахбоби нокобил хануз.

Нафйи илми ишк этиб, килмок недур исботи вавк,

Келмамиш, зоҳид, жаҳонга сен киби жохил хануз.

Мунисо, хушинг бор эрса, даҳри дун таркини тут
Ким, онинг бўлгон эмастур мойили окил хануз.

КҮНГЛУМА БИР ГУЛ ГАМИДИН...

Кўнглума бир гул гамидин сончлибдур хорлар,
Оҳким, хар хоридин жонимдадур озорлар.

Айламиш кўнлумни мажнун жилвайи лайливаши
Ким, асири гамзасидурлар парирухсорлар.

Турфа айёреки, дин накдин олурда турраси,
Ўрганурлар андин ўгрилик ишин таррорлар.

Гардиши чашмидадур кайфияти даври кадах,
Мен билибдурманки, билмаслар ани хушёрлар.

Мунисо, агёр гар хамсухбат ўлса ёр ила,
Бўлма махзун, хамдами гул бўлгусидур хорлар.

КАЙСИ ГУЛНИНГ...

Кайси гулнинг мен киби бир андалиби зори бор?
Кайси булбулнинг сенингден бир гули бехори бор?

Кайси раъно сарвакдаг кумрие бор мен киби?
Кайси кумрини кадингдек сарви хушрафтори бор?

Кайси лайливаш пари мажнуни бор мен телбадек?
Кайси мажнуннинг менингдек бир парирухсори бор?

Кайси ёр оллида мендек ошики жонбоз эрур?
Кайси ошिकнинг сенингдек нозанин дилдори бор?

Кайси бир айёрнинг бор мен киби саргаштаси?
Кайси бир саргаштанинг сендек бути айёри бор?

Кайси шохнинг Муниси махзун киби бордур кули?
Кайси гулнинг сен киби шохи фалакмикдори бор?

УСТОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

Волийи мулки тарикат гар Низомийдур манго,
Манзили маънига Хизри рох Жомийдур манго.

Хотиримга Хусрафидин хар замон шўре етиб,
Банда давроннинг бори ширинкаломидур манго.

Пири ансорий сўзидин чошни нуткум топиб,
Сўзда хосил шарбати юхъйил-изомидур манго.

Хофизи Шероз лутфидин тараккийлар топиб,
Жилвагоҳ ахли тасаввуфнинг макимидур манго.

Юзима Аттор хар лахза дўкони файз очиб,
Доим андин атрпарвар жон машомидур манго.

Файзи Фирдавсий гахи кўнлум очибдур бийддек,
Гох Хоконий футухининг паёмидур манго.

Гох табъим Анварий нури била равшан бўлуб,
Гох Саъдий жомининг файзи мудомидур манго.

Топибон ишки Ирокийдин замирим нашъае,
Хосил, ахли ишкнинг шўри тамоийдур манго.

Нусхайи таъбиди Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра номайи икболи томийдур манго.

Килса хосид дахли бежо, сўз аро йўктур гамим
Ким, бу маънида Навоий руҳи хомийдур манго.

Тонг эмас, Мунис, агар бўлсам киромийкадрким,
Устоди зохиру ботин Киромийдур манго.

ШУАРО

Ютубон бу замонда кон шуаро,
Назм этар гавхари фиғон шуаро.

Ерга хуршиддек солур даврон
Килсалар сайри осмон шуаро.

Дўстлар лутфидин килур махжур
Баски, бор душмани замон шуаро.

Юз хушомад била гадолиг этиб,

Топа олмас емакка нон шуаро.

Давлат асроридин эрур гофил,
Хар неча эрса нуктадон шуаро.

Бўлуб ифлосдин зарурат ила
Хиссат ахлига мадххон шуаро.

Шеъри янглиг кезар махофил аро
Килгали дарди дил аён шуаро.

Гўйиё рўзгор аносидин
Тугди кулфатга тавъамон шуаро.

Дардманду жафокаш элга килур
Назм ила дардини баён шуаро.

Ахли давлатга бўлса хам маддох,
Топмас икболдин нишон шуаро.

Гуссадин ўлгай эрди, топмас эса
Шеъридек ёри хамзабон шуаро.

Баски, даврон эрур хунардushman,
Кўрадур фазлидин зиён шуаро.

Мизбонлиг килурга йўк нимаси
Бўлса Мунисга мехмон шуаро.

СЎЗ

Гарчи аввал бор эди махбуби гулрухсора сўз,
Лек эрур холо базе манкубу бахти кора сўз.

Шоири шўридага дилжамълик кайдин етар,
Дахли бежодин авом олллидадур юз пора сўз.

Дема, сўз атрофига чекмиш ливойи иштихор,
Кадрдоне топмай ўлмиш дахрда овора сўз.

Шоир ўз ахволига дармондаву фазл ахли хор,
Охким топмас бу даврон ичра бир гамхора сўз.

Килма изхори суханварлик фароге истасанг,
Сийму зар ўрнига ер бошига санги хора сўз.

Хох назму хох наср ўлсун фазилат ахлидек
Хорлиг домонига чекмиш оёк якбора сўз.

Сўз чу мундок хор эса, сўз ахли мундок хоксор,
Вах не тил бирла деолгай Муниси бечора сўз.

КЕРАКМАСМУ САНГА?

Истадинг, эй дил, кўзин, жонинг керакмасму санга?
Куфри зулфин севдинг, имонинг керакмасму санга?

Дарду гам сели била буздинг кўнгил кошонасин,
Эй малохат ганжи, вайронинг керакмасму санга?

Жамъ этиб, ўтлуг кўнгулларни мукайяд айладинг,
Халкайи зулфи паришонинг керакмасму санга?

Тийри гамзанг муддаий кўнглига зоеъ килмаким,
Ул хадафдур хора, пайконинг керакмасму санга?

Сарсари охимни, эй гардун, килурсан тунду тез,
Машъали хуршеди рахшонинг керакмасму санга?

Эй гул, айларсан жафо хорин уруб, Мунисга жавр,
Андалиби дилкаш илхоминг керакмасму санга?

ГУНЧА

Табассумда кўруб рангин лабингни ногихон гунча,
Килиб дилтанглик зохир, ичидин бўлди кон гунча.

Сабо тахрикидин, йўк, балки огзинг шармидин бошин
Куйи солмокка мойил бўлгусидур хар замон гунча.

Очик чехрангни то кўрди дема, эй, гул очилмишдур,
Хижолат гоятидин айламиш кулгу аён гунча.

Кўнгул тор огзинга бир хандада олдурдим, эй гулрух,
Киши кўрганму эркан бу сифат бир дилситон гунча?

Омонлик истасанг бу бог аро, хомуш бўл доим
Ки, офатдин омондур сиррин айтар то нихон гунча.

Сенинг огзинг хаёлидин килур кўнглум куши нола,

Эрур боис чу булбул килса фарёду фигон гунча.

Кўнгул жамъияти топса халал эрмас, таажжубким,
Эмас бу бог аро ошуфта бўлмокдин омон гунча.

Недур бу размгох ичра бошингга истамаклик худ
Ки, эл хайли ўкига бордур аввалрок нишон гунча.

Шитобон бўлма, рифъат кулласига то кун эрмассен,
Камин айлаб ётибдур йўлда шери осмон, гунча.

Фигонким, барча бу гулшан видоидин эмас эмин
Ки, гах гул узмак этмиш даъб, гохи, богбон гунча.

Анинг рухсору лаъли ўйла рангиндурки, эй Мунис,
Агар кўрса, бўлур афсурда гул хам нотавон гунча.

АХБОБ

Килурлар бир-бирининг сухбатин гарчи хавас ахбоб,
Эмаслар лек даврон гардишидин дастрас ахбоб.

Фалак мундогки душманкомлиг зохир килур хар дам,
Эмаслар хеч фориғ гам чекардин бир нафас ахбоб.

Мухаббат расмидин огох этиб, миннат тутуб бергил,
Агар жон накдини сендин килурлар мултамас ахбоб.

Замона ахлининг манзуридур чун моли жамъият,
Качон топгай менингдек бир гариб бе хечкас ахбоб.

Эрурмен ўйла бекаским, борурга богласам махмил,
Топилмас айламакка нола андокким жарас, ахбоб.

Тутай кимдин умиди мархаматким, ёкғали жоним –
Урарлар оташ аъдову солурлар хору хас ахбоб.

Десанг, аъдо шикасти давлатимга топмасунлар даст,
Йиг атрофингга, эй шох, адл бирла пешу пас ахбоб.

Шакар янглиг жахон ахлига ширинкомлик еткур,
Хужум этсун десанг устингда андокким магас ахбоб.

Эрур бир гул хавоси билра Мунис кўнгли болафшон,
Нечук сакларлар айлаб они махбуси кафас ахбоб.

ОФТОБ

Бўлмаса жинси жамолингга харидор офтоб,
Не учун зарпошлиглар айлар изхор офтоб?

Сенки шохи хуснсен, хар кун килиб куллуқ санга,
Сажда айларга кўяр туфрокка рухсор офтоб.

Чик жамолингни очиб, то элга хуснин сотгали,
Килмасун олам аро кўп арзи дийдор офтоб.

Хокбўсинг хусн элига мужиби иззатдурур,
Чарх уза чикмас йўлингда бўлмайин хор офтоб...

ШамъИ васлингдин агар етса фуруге басдурур,
Андин ўзга шоми хажримга не даркор офтоб.

Даври рухсорингда мушкин зулф эмастур гўёё,
Килди фош ойинаси гирдида зангор офтоб.

Не учун шому сахар бошинг уза айланмасун,
Кўрмамиш хуснинг киби бу чархи даввор офтоб.

Рутбайи олий тиларсен, соф кил кўнглингниким,
Иртифў айларга мундиндур сазовор офтоб.

Юрутур яхши амал кабрингни, йўкса, суд эмас,
Тожинг узра бўлса гар хар дурри шахвор офтоб.

Бўл тафаррудпеша, Муниским, Масихога маком
Бўлди бу ишдин сипехр авжида то бор офтоб.

ХАЖРИДА ЁМОН ХОЛИМ

Кулбам сари жононим келмасму экин оё,
Хажрида ёмон холим, билмасму экин оё?

Сўрмокка борур ёрим ошиклари ахволин,
Деб ул мени хам ошик, келмасму экин оё?

Хажрида колиб йиллар, олмас хабаре мандин,
Оллида киши ёдим килмасму экин оё?

Сўргай эди холимни, ошикларидин билса,
Гар билса, догИ кўзга илмасму экин оё?

Ханжар чекиб эл багрин тилмакдин этар эхсон,
Багримни менинг ёраб, тилмасму экин оё?

Баским тўладур ёшдин, кўзни оча олмасман,
Бир лутф илиги они силмасму экин оё?

Гулзори висолига Мунис ета олмас хеч,
Айлаб талабин елдек елмасму экин оё?

КЎНГЛИМ ОЧИЛМАЙДУР ХАНУЗ

Гунчалар очилди-ю, кўнглум очилмайдур хануз,
Булбулосо хотирим гул майли килмайдур хануз.

Заъф аро ушшокга ибрат бўлубман, охким,
Кўзга ахволи низорим ёр илмайдур хануз.

Ваъдаи васл айлаб эрди, айлади таъхир кўп,
Ё ибо килди-ю, ё ёдига келмайдур хануз.

Пеша айлаб чарх золи тинмайин тун-кун даме
Дилбаримча жавр ойинини билмайдур хануз.

Ерни ашким гарк этиб, зўр этти охим сарсари,
Недин эркандур фалак токи йикилмайдур хануз?

Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсам, нетонг,
Сажда килмокликга бошим бир эгилмайдур хануз.

Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталик,
Панд килмангким, жунунидин ойилмайдур хануз.

ИШК АСРОРИГА МЕНДИН ТАРЖИМОНРОК ЙЎК КИШИ

Ваҳки, мендин ишк аро озурдажонрок йўк киши,
Хусн аро сендек доғИ номехрибонрок йўк киши.

Кимга заъфим шиддатин зохир килурмен мунглашиб,
Чу ўзумдек гам чекардин нотавонрок йўк киши.

Сели ашку гам йикибдур жисм ила кўнглум уйин,
Мен киби ушшок аро бехонумонрок йўк киши.

Жонлар исоринг килиб кўрдум жафо, ваҳким, санга,

Неча килсам яхшилик, мендин ёмонрок йўк киши.

Узв-узвимдин фигонлар бош чекибтур тил киби,
Ишк асрорига мендин таржимонрок йўк киши.

Ишк ўти Мунис вужудин куйдурубдур ўйлаким,
Эмди андин ўзга беному нишонрок йўк киши.

КИМНИКИМ ДЎСТ ДЕДУМ...

Кимниким дўст дедум, душмани жон топдим они,
Неки андин тиладим суд, зиён топдим они.

Ёр меҳрин тилаб, агёр жафосин кўрдум,
Майки гулгун талаб эттим, каро кон топдим они.

Гунчайи хотирим очмоқга насиме тиладим,
Гох ўтлиг елу гох боди хазон топдим они.

Некхохим деганим барча бор эркан бадхох,
Ониким англар эдим яхши, ёмон топдим они.

Ишк андухи нихон колмоки имкон эрмас,
Менки ёшурмок ишим эрди, аён топдим они...

Вактдур, дилбарига топса нишоне Мунис
Ким, гами ишк аро беному нишон топдим они.

АРМОН БИЛА ЁНДИМ

Бордим сари кўйинггаву хирмон била ёндим,
Васлингни тилаб, меҳнати хижрон била ёндим.

Бордим лаби хандон била тавфи харамингга,
Гамгин кўнгулу дийдаи гирён била ёндим.

Огзингни тилаб, зулфинга жон бўлди гирифтор,
Дилжамъ бориб, холи паришон била ёндим.

Мендан асаре истамангиз жуз бир овуч кул
Ким, ишк киби оташи сўзон била ёндим.

Мунис киби васлинг тилаб, топмадим охир,
Максудима бир етмадим, армон била ёндим.

ЖУНУН ТАСВИРИНИНГ БЕХЗОДИ

Бало кўхсорининг фарходи мен-мен,
Жунун тасвирининг бехзоди мен-мен.

Жахонда хар қачонким бўлса пайдо
Агар шўре, анинг бунёди мен-мен.

Гаму меҳнатга бор эрса арўсе,
Билингларким, анинг домоди мен-мен.

Нетонг Мажнун менинг шогирдим ўлса,
Ки, ишк атфолининг устоди мен-мен.

Кўнгулда захмлардурким, фалакнинг
Нишони новаки бедоди мен-мен.

Менинг ноламга худ шўхе сабабдур,
Вале эл боиси фарёди мен-мен.

Куруб хижрон тузокини хамиша,
Балолар сайдининг сайёди мен-мен.

Вафода муддаийлардур мутеи,
Жафо айлар чоғи мункоди мен-мен.

Жунунда, Мунисо, муршидлик этсанг,
Анинг шойистаи иршоди мен-мен.

ИШИМ КЕЧА-КУНДУЗ ФИГОНДУР

Узорингда нуре аёндур, аён
Ки, андин куну ой нишондур, нишон.

Бало ўкларин отгали жонима,
Ики эгма кошнинг камондур, камон.

Ракибингдин ўлмас аён яхшилик,
Ки, кавли-ю феъли ёмондур, ёмон.

Хаётимга зикри лабингдур сабаб,
Йўк эрса, тириклик гумондур, гумон.

Манга суд эрур суди ишкинг гами,
Анинг харна гайри зиёндур, зиён.

Эрурсан гахи кўз, гахи жон аро,
Сенга бу ики ер макондур, макон.

Нечук эл эрур охи сардим менинг,
Жахон богИ андин хазондур, хазон.

Жигар бирла кўнглум килиб кон гаминг,
Ики кўз йўлидин равондур, равон.

Улус келса мендин фигонга, нетонг,
Ишим кеча-кундуз фигондур, фигон.

Нетонг чикмаса Мунис ул кўйдин,
Ки, ул анда гамдин омондур, омон.

КИШВАРИ МЕХНАТ ШАХИМЕН

Ашк хун, рухсор зарду дил хазинг, толеъ каро,
Дард гуногун, фалак дун, ахли даврон бевафо.

Жон гаъмин, хотир мушавваш, акл мажкудул – асар,
Хажр котил, ёр гофил, ишк голиб борхо.

Захм мухлик, тири гам паррон эрур, роми фалак,
Заъф муставли, бадан мажрух эрур, мархам фано.

Дўст бепарво, кўнгул ошуфтаву душман кавий,
Муддаий кўп, таъна бисёру жафокор ошно.

Хам хаво бордур самуми оху хам хар сўз ашк,
Мазраъ офат, шохи нахли умр бенашъу намо.

Ёр хамсухбатлигидин токи айрилдим, эрур
Хамдамм ранжу ано, хамроз гам, махрам бало.

Кишвари мехнат шахименким, манга бордур мудом,
Бошга сочкан хок тожу тахт-эски бўрё.

Масканим хоки мазаллат, бистарим хори тааб,
Тўмам андухи надомат, ишратим тутмок азо.

Мажлисим кайгу, майим хуни жигар, жомим фирок,
Лекин, эй Мунис, бу хангом ичрадур сокий казо.